



Types of women's clothing: a professional and aesthetic approach to cutting and sewing it

Yulduz GAYBULLAEVA ¹

Center for Implementation of Educational Programs, Webster University in Tashkent

ARTICLE INFO

Article history:

Received August 2023
Received in revised form
15 September 2023
Accepted 15 October 2023
Available online
25 November 2023

Keywords:

national clothing,
women,
soviet ideology,
Hujum,
clothing

ABSTRACT

This article provides information that at the end of the XIX half of the XX century, women's clothing developed in two directions the spread of European clothing and the transformation of the national costume.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss5-pp12-15>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Аёллар либосининг турлари: уни бичиш ва тикишга касбий ва эстетик ёндашув

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

миллий кийимлар,
аёллар,
совет мафкуриси,
хотин-қизлар,
хужум,
либос

Ушбу мақолада муаллиф томонидан XIX асрнинг охири ва XX асрнинг биринчи ярмида аёллар кийим-кечаги икки йўналишда, яъни европача кийимлар тарқалиши ва миллий либос ўзгариши йўналишларида ривожланганлиги тўғрисида маълумотлар берилган.

¹Deputy Director for Research and Innovation, Center for Implementation of Educational Programs, Webster University in Tashkent

Виды женской одежды: профессиональный и эстетический подход к ее крою и пошиву

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

национальная одежда, женщины, советская идеология, Худжум, одежда

В данной статье представлена информация о том, что в конце XIX-первой половине XX века женская одежда развивалась в двух направлениях в распространении европейской одежды и трансформации национального костюма.

Миллий либосларда маълум бир бадий талқин мужассамлашган бўлиб, унда инсон ўзининг эстетик ғояларини ифода этган ва жамият ҳаёти билан боғлиқ ҳамда ривожланиб борган. Ўз навбатида, унинг тараққиёти нафақат иқтисодиёт ривожини натижасида содир бўлган ўзгаришлар, балки сиёсат, дин, этика билан ҳам бевосита боғлиқ бўлган. Умуман олганда, халқ кийимлари анъанавий миллий маданиятнинг асосини ташкил қилувчи муҳим этномаданий ҳодисалардан бири бўлиб, унда халқнинг руҳий тафаккури, турмуш ўлчовда ёш, жинс, бўй-бастни ҳисобга олган ҳолда ўзига хос дид билан тайёрлана бошлаган ва тобора мукамаллашиб борган. Хуллас, ҳар бир тарихий давр кийим-бошларида ўша босқичга хос кийиниш маданиятининг инъикоси акс этиб турган.

Жумладан, XIX аср охирида Россиянинг таъсири остида шаҳар ҳаёти тез ўзгариб бориши натижасида ва айни пайтда аввалги анъанавий бичимлар сақланиб қолган ҳолда Ўрта Осиёга, шу жумладан Ўзбекистонга ўйма ёқали, елкада чоки ва ётиқ чўнтаклари бўлган янги бичимлар кириб кела бошлади.

XX асрнинг биринчи ярмида аёллар кўйлагига катта ўзгаришлар рўй берди. Аввалги йирик қисмлар – асосий қисм, ёнбош қисм, барлар, енглар анча майдароқ қисмларга бўлиниб кетди. Кийимнинг асосий яхлит қисми елка чизиғи бўйлаб олд ва орқа томонларга ажралиб кетган, улар эса кейинчалик янада кичикроқ унсурларга – кўкрак бурма, қулфак кабиларга бўлинди.

XX асрда Ўзбекистонда кийим-кечак икита-европача кийимлар тарқалиши ва миллий либос ўзгариши йўналишларида ривожланди.

Хусусан, ўзбек аёллари кийиниш маданиятида европача усулнинг шаклланиши энг аввало, халқ ҳўжалигида саноатнинг ривожланиши, урбанизация жараёни, руслаштириш сиёсати негизидаги славян аҳоли миграциясининг кучайиши, хотин-қизларни ижтимоий ишлаб чиқаришга кенг жалб этилиши натижасида уларнинг оиладаги аҳволи ўзгариши каби омиллар билан боғлиқликда кечди. Чунки советлар томонидан маҳаллий аҳоли ўртасида советча турмуш тарзи мафкуравий жиҳатдан кенг тарғиб этилар эди. Унга кўра, ишлаб чиқаришда банд, сиёсий дунёқарашга эга, маълумотли, эркалардан мустақил ва улар билан тенг ҳуқуққа эга бўлган “совет аёли” образи кийиниш услубида ҳам намоён бўлиши керак эди. Бу образ эса, оммавий ахборот воситалари тарғиботи орқали аҳоли, жумладан, аёллар ўртасида секин-аста жорий этиб борилди. Натижада 1920-йиллардан бошлаб, шу вақтгача таркиб топган турмуш тарзи жиддий ўзгаришларга учради.

XX асрнинг биринчи ярмида совет давлатининг хотин-қизларга муносабат масаласидаги муштамлақчилик сиёсатининг моҳиятида хотин-қизларни ишлаб

чиқаришга кўпроқ жалб этиш орқали улардан арзон ишчи кучи сифатида фойдаланиш мақсади яширинган эди. Шунинг учун ҳам хотин-қизларни хунар билим юртлари, фабрика- завод ўқувчилиги, ишчи мактабларига жалб этиш муаммоси маъмурий йўллар билан ҳал қилинди. Масалан, 1920 йиллар ўрталарида Ўзбекистонда ФЗУлардаги қизлар 5,0%ни ташкил этган бўлса бу кўрсаткич 1927-28 ўқув йилига келиб 165 нафар хотин-қиз ёки барча ўқувчиларнинг 12,2 % ташкил этди. Бундан ташқари, 1927 йилдан Ўзбекистонда индустриал-техник мактаблари ташкил этиш жараёни ҳам бошланди. Шу йили республикада атиги 117 хотин-қиз бундай мактабларда хунар ўрганди.

Саноат соҳасидаги таълимни такомиллаштириш учун турли тўғарақлар ташкил этилган. 1927 йилда Ўзбекистон бўйича 37 та тўғарақда 50 нафар хотин-қиз (барчаси бўлиб 304 киши) машғулотлар ўтган бўлсалар, бу рақам 1928 йилда эса 54 тўғарақда 75 хотин-қиз (барчаси бўлиб 558 киши) машғулот ўтган. Лекин, баъзи тўғарақларда таълим учун ҳақ олиниши хотин-қизлар сонини кескин камайиб кетишига сабаб бўлди. “Туркшөлк” трести фаолияти ўрганиб чиқилганда, ундаги хотин-қизлар ишлаб чиқаришдан сунъий равишда сиқиб чиқарилганлиги маълум бўлди. Сабаб, хотин-қизлар меҳнатининг кам унум бўлганлигида ва кам малакали эканлигида эди. Шунинг учун махсус комиссия ФЗУлар, индустриал-техник, курслар ижтимоий нуфузини оширишга йўналтирилган тадбирлар ишлаб чиқа бошлади. Айниқса, “Хужум” ҳаракати туфайли ФЗУларга хотин-қизларни қабул қилиш кенг тус олди. Чунки “Хужум” кампаниясини ўтказиш учун ташкил этилган комиссиялар таркибида 1927 йил январь-февраль ойларида Ўзбекистоннинг барча вилоятларида иқтисодий ёрдамчи комиссиялар тузилди. Уларнинг вазифаси паранжи-чачвондан озод бўлиб, завод-фабрикада ишлашга “интиланган” аёлларни иш билан таъминлаш ва ФЗУларга жалб қилишдан иборат эди. Бироқ, мавжуд ижтимоий-сиёсий вазият турли таълим муассасаларида хотин-қизлар сонининг ортиб боришига тўсқинлик қилди. Хусусан, 1928 йилда кундузги ишчи факультетлари ўқувчиларининг 10 фоизини, кечки факультетлар ўқувчиларини ҳаммаси бўлиб, 5 фоизини хотин-қизлар ташкил этар эди.

Совет ҳокимияти ўз манфаатидан келиб чиқиб, 1929 йил 22 февралда «Техника билим юртлари, техникумлар ва ишчи факультетларига қизларни қабул қилишдаги имтиёзлар» тўғрисидаги қарорни қабул қилди. Қарорга биноан, ўқув юртларида хотин-қизлар учун 25-30% ўрин имтиёзли тарзда ажратилиши лозим эди. Шу билан бирга хотин-қизларни ишлаб чиқаришга кенгроқ жалб қилиш мақсадида болалар боғчалари ва яслилар очилди. 1928-29 йилларда уларнинг сони 70 тадан кўпроқ бўлиб, ишчи аёлларнинг 1270 фарзанди тарбияланар эди. Оналар учун аёллар маслаҳатхонаси ва “Она ва бола” бурчаклари ташкил қилинди. Мақсад, оналарни ошхона ва бола тарбиясидан озод қилиш эди. Чунки, советлар томонидан беш йиллик режаларнинг амалга ошиши аёлларнинг шу икки вазифадан озод қилиниши билан боғлиқ, деб таъкидланди. Партия ва совет ҳокимияти учун хотин-қизларнинг соғлиғи ва фарзанд тарбияси, уларнинг келажақдаги тақдири иккинчи даражали масала эди. Биринчи навбатдаги асосий вазифа қандай қилиб бўлса ҳам қисқа муддат ичида халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик режаларини ортиғи билан бажарилишига эришишдан иборат эди. Шунинг учун ҳам, аёлларга уларнинг биофизиологик имкониятини инобатга олмай муносабатда

бўлиш жиддий салбий ижтимоий оқибатларга олиб келган. Бу ҳолат аёлларнинг миллий кийимларида шакл ўзгаришларига ҳам сабаб бўлган.

Катта ёшли аёллар шойи ёки зардўзи кулутапўшак ўрашган. Тарих музейи фондларида сақланаётган бухороча калгай рўмол қора-бинафша рангдаги ва ўзига хос ислимий безаклари бўлган маҳаллий шойи калгайдан тайёрлангани сабабли ҳам шундай деб аталган.

Либос бой безатилган – ёқасининг ўзи кўк, қизил ва жигарранг ромбсимон шаклларга тўлиб кетган. Енглари ва олд томонига бештадан гултуваклар тасвири туширилган. Барча безаклар терма усулида бажарилган. Елка қисми шахматгул номли бир бетлама безакка тўла бўлган.

“Бахт-саодат абадий давом этиши учун” елакчанинг пастки қисми қопланмаган ва безатилмаган. Ушбу либос тўйдан бошлаб то биринчи фарзанд туғилгунига қадар келинчак кийим-кечагининг узвий таркибий қисмларидан бири бўлган. 1960-йиллардаёқ елакча кийиш расмдан анча қолиб кетганди. Тўй вақтида уни бировдан вақтинчага олиб туришарди.

Дўппини безаш учун жиякдан фойдаланилган. У турлича кенгликда бўлиб, кўпинча гардишининг бутун энини эгалларди. Айрим ҳолларда дўппи гардишини жияк устидан мунчоқ ва тангачалар билан безатишган, четларини яна оқ матодан ярим айлана кунгура билан ҳам қоплашган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Горшунова О. В. Внешний облик узбекской женщины: эволюция эстетических представлений (конец XIX - конец XX в.) – 5 №. – С. - 29
2. Полвонова Б. Эмансипация мусульманки. – Москва: 1982. – С. 204.
3. Қ.В.Нишонбоева, Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг маданий жиҳатлари. Тошкент: 1998. - Б. 120;
4. ЎзР МДА, Р-736- жамғарма, 1-рўйхат, 932-иш, 67- варақ.
5. ЎзР МДА, Р-737- жамғарма, 1-рўйхат, 836-иш, 118-варақ.
6. ЎзР ПДА, 58- жамғарма, 13-рўйхат, 1265-иш, 3- варақ.
7. Известия ЦК РКП(б). 1929. - № 7. - С. 5.
8. Янги йўл.1929. - № 11. – Б. 7.
9. Ислам и женщины Востока. - Ташкент: 1990. - С. 58.
10. Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии. ... - Б.55;
11. ЎзР МДА, 736- жамғарма, 1-рўйхат, 933-иш, 172- варақ;
12. Худжум-значит наступление. Ташкент: 1987. - С. 20.
13. Ўз Р ФА ЎТДМ Эф. Инв. № Э 6456. Колл. 95–62.